## БИЗДАН РОЗИ БЎЛИНГ, УСТОЗ!

*(Устозимиз Ёрмат отанинг ерқин хотирасига бағишлайман)*

Устозимнинг фарзандлари,
Жигарлари, дилбандлари,
Эҳсонингиз қабул бўлсин,
Оллоҳ сиздан рози бўлсин.
Меҳмон келса хуш кутганлар,
Бир пиёла чой тутганлар,
Савоблардан сероб этсин.
Оллоҳ сиздан рози бўлсин.
Ота кунглин билган ўгил,
Уйлар қуриб берган ўгил,
Ўғил-қизингиздан қайтсин,
Оллоҳ сиздан рози бўлсин.
Оқ ювибон, оқ тараган,
Уст-бошига соз қараган,
Қизу келин ажр кутсин,
Оллоҳ сиздан рози бўлсин.
Устоз дея йўлин солса,
Кимки йўқлаб турган бўлса
Умрингиз зиёда бўлсин.
Оллоҳ сиздан рози бўлсин.
Дилим ёнди... бахрим ёнди.
Дуолари кўнглим олди.
Кўчалар ҳам бушаб қолди,
Етимларга ўхшаб қолди,
Эшикдаги ўриндиқ ҳам.
Чўкиб қолди чеккандек ғам.
Яхши шогирд укир Қуръон,
Буюк инсон, суюк инсон.
Қалблардан жой олган устоз.
Халқ елкада килди эъзоз.

Қабрингизей нурга тўлсин
Аллоҳ сиздан рози бўлсин.
Ҳалол яшаш илмин берган.
Билим бериб, савоб терган.
Беҳиштларда ўрни бўлган
Қабул этинг сўнгги дил роз,
Биздан рози бўлинг устоз
Биздан рози бўлинг устоз.

***Мукамбар ТЎРАХОНОВА,***
***шоира***